

Хоразмда автобус ва микроавтобусларда электрон тўлов йўлга қўйилди

«Kakadu» тизими мобил дастур кўринишида бўлиб, тўловни смартфон орқали амалга ошириш имконини беради.

Хоразм вилоятидаги «Янгиариқ транс» МЧЖ ўз автобус ва микроавтобусларида «Kakadu Pay System» МЧЖ томонидан ишлаб чиқилган онлайн тўлов тизимини жорий этди. «Kakadu» номли мазкур тўлов тизими мобил дастур кўринишида бўлиб, мижоз йўлқира ўзининг шахсий смартфони орқали тўлаш имконини беради.

«Kakadu Pay System» МЧЖ дастури илк бор 2017 йилнинг апрель ойи бошида синов тариқасида Урганч шаҳридаги «Muso Avto» МЧЖнинг йўналишсиз таксиларига ўрнатилган эди. Синов муваффақиятли ўтгач, онлайн тўлов тизими «Янгиариқ транс» МЧЖга тегишли «Исузу» русумли автобуслар ҳамда «Фотон» ва «Газель» русумли микроавтобусларда жорий қилинди.

Онлайн тўлов тизимидан фойдаланиш жуда осон бўлиб, мижозлар пластик карталарини рўйхатдан ўтказиб, дастурни смартфонларига юклаб олсалар кифоя.

Мазкур тизимнинг қулайлиги шундаки, унга уланиш учун фирмалардан ҳеч қандай ускуна сотиб олиш ва бошқа харажатлар талаб этилмайди, барчаси мобил дастур ёрдамида амалга оширилади. Мижозлар ҳисобидан ечиб олинган пуллар, яъни хизмат ҳақи тўғридан-тўғри автокорхонанинг банк ҳисобрақамига келиб тушади ва мижознинг мобиль телефонида тўлов амалга оширилгани ҳақида шу заҳоти SMS-хабар келади.

Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги Ахборот хизмати